

КОРЕЙС ТИЛИДА “주다” [CHUDA] КЎМАКЧИ ФЕЪЛИ ВА УНИНГ МАЪНОВИЙ КЎЛАМИ

Г.Юнусова – ассистент ўқитувчи

Тошкент давлат шарқишунослик институти

Таянч сўзлар: феъл, кўмакчи, ҳурмат, мурожаат, маъно, семантика, тузилиши.

Ключевые слова: глагол, вспомогательный, вежливость, обращение, значение, семантика, структура.

Key words: verb, auxiliary, politeness, appeal, meaning, semantics, structure.

Корейс халкининг ҳаёт тарзи бошқа халқлардан фарқлиниб турувчи ўзига хос хусусиятларига эга. Оила бўладими, ўқув муассасаси ёки ишхона бўладими катта-кичик ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва тартиб муҳим ҳисобланади. “... Тарихда корейслар суҳбат чоғида суҳбатдош ёки суҳбат иштирокчисига унинг ижтимоий мавқеи, ёши, жинси, оиладаги мавқеи ва бошқа жиҳатларига қараб турли даражада ҳурмат кўрсатишган. Ушбу ҳолат замонавий корейс тили учун ҳам долзарблигича қолмоқда” [1:135]. Мазкур мақола ҳам айнан корейс миллати маданиятидаги ҳурмат мавзусининг бир бўлаги ҳисобланган “주다 [chuda]” феъли, унинг ҳурмат шакллари ва кўмакчи феъллик маънолари ҳақидадир. Корейс тилида “주다 [chuda]” [8:1399] мустақил феъли ўзбек тилидаги “бермок” феъли маъносини ифодалайди. “주다 [chuda]” феъли кўмакчи феъл сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда “주다 [chuda]” асосий (етакчи) феълга бирикиб келади ва асосий феълга кўшимча маъно юклайди.

“주다” [chuda] мустақил феъл сифатида қўлланилганда ҳам, кўмакчи феъл сифатида қўлланилганда ҳам ҳурмат шакллари мавжудлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. 주다” [chuda] кўмакчи феълнинг “드리다” [deulida] ҳурмат шакли мавжуд. “-시” ҳурмат шакл кўшимчаси қўшилиши орқали ҳам 주다” [chuda]нинг “주시다” [chusida] ҳурмат шакли ҳосил қилинади. Маъно англатиши бўйича мазкур феъллар бир хил бўлсада, мурожаат ҳолатлари ўзаро фарқ қилади. “주다” [chuda], “주시다” [chusida], “드리다” [deulida] феълларининг қачон ва қандай ҳолатларда қўлланилишини қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин.

1) 선생님께서 우리에게 숙제를 주셨습니다. [sɔnsɛngnimkkɛso ɯrieɡe sɯkɕeril ɕhɯssɔssimɲida] Устоз бизларга уй вазифасини бердилар.



2) 저는 선생님께 꽃을 드렸습니다. [ɕhonin sɔnsɛngnimkkɛ kkɔɕil tɯɾyɔssimɲida] Мен устозга дафтари бердим.



3) 저는 동생한테 연필을 주었습니다. [ɕhonin tɔngsɛngɦante yɔnpɦiril ɕhuɔssimɲida] Мен укамга қалам бердим.



1-мисолда “주시다” [chusida] ҳаракат ёши ва ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан катта инсоннинг ёши ва ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қуйроқ ҳолатда бўлган инсонга қарата мурожаат қилинганда қўлланилади. 2-мисолда “드리다” [deulida] ҳурмат шакли устозга мурожаат қилинганлигини ифодалайди. 3-мисолда аканинг укага ҳаракатнинг амалга оширилиши ифодаланган. Бундай ҳолда “주다” [chuda] феълнинг оддий шакли қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Корейс тилида ҳаракат ким томонга қаратилганлиги, “한테, 에게, 께” кўшимчалари, яъни ўзбек тилидаги ҳаракат йўналишини ифодаловчи “га” жўналиш келишиги кўшимчаси орқали ифодаланади.

“주다” [chuda], “주시다” [chusida], “드리다” [deulida] феълларининг ноўрин қўлланилиши суҳбатдош, тингловчи ва сўзловчи учун ноқулай шароитга тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Содда қилиб айтадиган бўлсак, ҳурмат билан муомала қилишимиз керак бўлган инсонга беҳурматлик, ёши, мавқеи жиҳатидан кичикка ҳурматда - “сизсираб” сўзлаш билан баробар бўлиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “주다” [chuda] феъли асосий феълга бирикиб кўмакчи феъллик вазифасида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда “주다” [chuda] феъли қисман бўлса-да, ўзининг мустақил феъллик маъносини йўқотиб, асосий феълга кўшимча маъно юклайди.

Тадқиқотчи Сонсе Модол (손세모돌) [6:214-215] ўз тадқиқотида “주다 [chuda]” кўмакчи феълнинг “фойда келтириш” маъносини ифодалашини ва бу “фойда” гапираётган одам учун ҳам фойдали бўлиши мумкинлигини, шу билан бирга мавзу эгасига ёки бошқа объектлар фойдаси учун ҳам бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Пак Сон Ўк (박선옥) [4:199] эса ўз тадқиқотида “주다” [chuda] “бермок” феълнинг “хизмат кўрсатмок” ёки “фойда келтирмок” маънолари билан чекланиши муаммоли эканлигини, “주다 [-eo chuda]” феъли ижобий маъно ифодалаш билан бир қаторда, салбий маъно ҳам англатиши мумкинлиги таъкидлаб қуйидаги мисолни келтиради:

4) 그에게 큰 짐을 안겨 주었다. [ɡeueɡe keun ʒim-eul anɡyeo ʒueɔssda] Унга катта ташвиш орттириб берди.

Кўриниб турибдики, бу ерда “фойда келтириш” маъноларига мутлақо тесқари маъно англашилган. Бу эса, “주다 [-eo chuda]” феъли ижобий маъно ифодалаш билан бир қаторда, салбий маъно ҳам англатиши мумкинлиги аён бўлади.

Со Жонг Су (서정수) “주다 [chuda]” феълнинг хизмат кўрсатишни ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида кўрсатади, ҳамда: “Мазкур кўмакчи феъл асосий феъл ифодалаётган иш-ҳаракатни биров учун қилиш / амалга оширишни ифодалаб келади. Бу бошқа тиллардаги хизмат кўрсатишни ифодаловчи (benefactive verb) феълларга ўхшаш бўлган семантик функцияга эга” [5:639] – деб тушунтиради.

5) 이리 오십시오. Илтимос, бу ёққа келинг.

6) 이리 와 주십시오. Илтимос, бу ёққа келсангиз...

Юқорида 5-гапта “주다 [chuda]” кўмакчи феъли қўлланилмаган, ҳурмат шаклида “келиш” илтимос қилинган. 6-гапта ҳам “келиш” ҳаракати илтимос қилинган, аммо “주다 [chuda]” кўмакчи феъли орқали ифодаланганлигини кўриш мумкин. Бунда “주다 [chuda]” кўмакчи феъли хушмуомалалик маъносини ўзида акс эттирилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

“주다” [chuda] кўмакчи феълнинг юқорида санаб ўтилган хушмуомалалик, хизмат кўрсатиш, хизмат қилиш маъноларидан ташқари, яна қандай маънони англатиши мумкинлигини қуйидаги мисол ва таҳлиллар орқали кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, “주다” [chuda] кўмакчи феъли буйруқ-истак майлида қўлланилиши ҳолатларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Замонавий корейс тилида “주다” кўмакчи феълнинг буйруқ-истак майлида қўлланилишида ўзига

хос жиҳатлари мавжуд. Маълумки, кесими буйруқ майлидаги феъллардан ифодаланган гаплар буйруқ гап ҳисобланади. Баъзан буйруқ гапнинг марказий қисми — кесим бевосита ифодаланмаслиги мумкин. У вақтда бевосита ифодаланмаган буйруқ майлидаги феълдан ифодаланиши лозим бўлган кесим нутқ вазиятидан англашилиб туради. Масалан: 모두 숲으로! Ҳамма ўрмонга!

7) 이 선생님, 나 이거 하나만 써 주십시오. [10:162] [I sonesengnim, na igo hanaman sso chushipshio] Устоз Ли, (менга) фақат мана буни ёзиб беринг.

Бу гапда “주다” кўмакчи феълнинг “주시다” хурмат шакли буйруқ-истак майли шаклида берилган.

8) 선생님, 첫눈도 오는데 첫사랑 이야기해 주십시오 [10:159] [sonesengnim, chotnunto oninde chotsarang iyagihe chushipshio] Устоз, мана биринчи қор ҳам ёғяпти, биринчи муҳаббатингиз ҳақида сўзлаб беринг.

Бу гапда ҳам кўмакчи феълли бирикма ўзбек тилига кўмакчи феъл ёрдамида таржима қилиниши мумкин. “주시다” феълли қўлланилган иш-ҳаракат устоздан талабалар томонга йўналтирилган.

7-, 8-мисолларда иш-ҳаракатнинг бошқа инсон учун амалга оширилиши маъноси ифодаланганлигини кўриш мумкин. Яъни оддий ёзинг эмас, ёзиб беринг, сўзланг эмас, сўзлаб беринг маънолари англашилади.

9) 민우씨, 여동생의 숙제를 도와주세요. [9:235] [minushshi, yotongsenge sukcheril towo chuseyo] Мину, синглингизнинг уй вазифасига ёрдамлашиб юборинг.

Бу гапда ҳаракат аканинг синглисига йўналтирилган “주다” кўмакчи феълли қатнашган феълли бирикма ўзбек тилига ҳам кўмакчи феълли бирикма шаклини олганлигини кўриш мумкин. Аммо бу гапда 도와주세요 кўмакчи феълли бирикма “ёрдамлашиб юборинг” тарзида ифодаланган.

Албатта бу феълли бирикманинг ўзбек тилига бошқача муқобилли таржимасини кўриш мумкин: ёрдамлашиб юборинг; ёрдам бериб юборинг; қарашиб юборинг, каби.

Эътибор билан қарайдиган бўлсак, жумлада кўмакчи феълли бирикмада ҳаракатнинг тўла бажарилиши маъноси, яъни ҳаракатнинг охиригача, тўлиқ бажарилиши маъноси ифодаланганини кўриш мумкин бўлади. Ушбу гапда, ёрдам бериш сўралар экан, шу ишни охиригача амалга оширишда кўмаклашиш сўралади.

10) 할머니의 집을 들어 주십시오. [halmeoniui chimil tirochushipshio] Бувижоннинг юкини кўтаришиб юборинг.

10-гапда ҳам айнан юқорида санаб ўтилган маънолар мужассам. Бувининг юки оғирлиги сабабли керакли манзилгача етказиб бориш илтимоси қилинмоқда (бувижоннинг ўрнига). Аммо яна бир ҳолатга аҳамият берилса, юкни бошқа одам кўтармоқда. Юкнинг оғирлиги сабаб масалан, зинадан чиққунгача маълум вақт оралиғида ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин албатта. Демак, бунда иккинчи маъно ифодаланган бўлиши ҳам мумкин. Албатта таржима варианты контекстга кўра танланади.

11) 아이고, 제발 살려 주십시오 [11:125] [aigo, chepal sallyo chushipshio]

(Вой дод, қутқаринг)

“Қутқаринг” деганда “мени сақлаб қолинг, асраб қолинг” маъноси ифодаланган. “Қутқариш ҳаракатини мен учун қилиб беринг деган” илтижо ифодаланади. Демак, бу гапни қуйидагича таржима қилиш ҳам мумкин:

1) Ҳаётимни сақлаб қолинг, илтимос сиздан.

2) Мени асраб қолинг, илтимос сиздан.

3) Жонимни сақлаб қолинг, ёлвораман.

Бундай ҳолатларда кўмакчи феъл маъноси турлича

бўлишини кўриш мумкин: кўмакчи феъл ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши, тасодифни, қутилмаганда рўй бериш шунингдек, ҳаракат вақтининг ғанимат эканлиги каби маънолар англашилади. Бунда кўмакчи феъл етакчи феълга қўшимча маъно юклаб, унда субъект бирор ўткинчи шарт-шароит (вақт)га нисбатан қолувчи сифатида бўлиб, субъект қолган ҳолат унинг учун қутилмаган, тасодифий бўлиши мумкин деган ҳулосага келиш мумкин.

살리다 [12] ўтимли феълнинг корейс тилидаги маъносига қараладиган бўлса, асл рангнинг ёки хусусиятнинг шундайлигича қолиши ёки унинг яна ҳам яққол кўриниши маъноси англашилади. Шундан келиб чиқиб, мазкур феълнинг “주다” феълли билан бирикишида, у одам ҳаёт ва у ўзининг ҳаётлигича қолишни сўраб ёлвормоқда. Бу ҳолатда қолувчи шахс бор ва у шу ҳолатда қолиш учун аввал ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатга айланишидан келиб чиқади [2:33].

Яна бир мисол.

12) 만약에 일찍 일어나면 전화 해 주십시오 [13]. [man-yag-e iljjig il-eonamyeon jeonhwa hae jusibsio] Агар эрта туриб қолсангиз кўнғироқ қилиб қўйинг.

“Кўнғироқ қилмоқ” (전화하다) ва “бермоқ” (주다) феълли бирикма. Гап тузилишига қараладиган бўлса, ҳаракат ким учун бажарилиши кўрсатилмаган. “ТОPIK корейс тили грамматикаси” китобининг 1-қисмида шундай дейилади: Агар гапда иш-ҳаракатнинг “кимга” йўналтирилганлиги кўрсатилмаган бўлса, сўзловчи ҳаракатнинг ўзи томон бажарилишини илтимос қилаётган бўлади [3:74].

Шарт майли формасининг ясалишида “-으면” аффикси қўлланилади.

“주다” кўмакчи феълли кимдандир нимандир илтимос қилганда ёки хушмуомалалик билан сўралганда қўлланилади. Бу гапда етакчи феълдаги ҳаракатнинг бир марта бажарилиши маъноси ифодаланган: сўзловчи суҳбатдошдан ўз манзилига етиб борганидан сўнг, бир оғиз айтиб қўйишини, яъни кўнғироқ қилиб қўйишини сўраган.

Маълумки, буйруқ-истак майлида ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини исташ, шунга ундаш, давъат этиш маънолари ифодаланади. Гапларда айнан шу маънолар кўринган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “주다 [-eo chuda]” феълли, унинг хурмат шакллари ва кўмакчи феъллик вазифаси бўйича қуйидагиларни айтиш мумкин:

- корейс тилида “주다 [-eo chuda]” кўмакчи феълли “фойда келтириши”, “хизмат қилиш”, “хизмат кўрсатиш”, “бошқалар учун ҳаракат қилиш”, “хушмуомалалик” маъноларини англади.

- “주다 [-eo chuda]” кўмакчи феълли суҳбатдош ёки ҳаракат амалга ошириладиган инсон учун салбий ҳаракат вазифасини ҳам ўташи мумкин.

- “주다 [chuda]”нинг “드리다 [teurida]” ва “주시다” [jusida] хурмат шакллари мавжуд. Корейс тилида ҳаракат ким томонга қаратилганлиги, “한테, 에 게, 께” - “га” жўналиш келишиги қўшимчалари орқали аниқланади. “드리다 [teurida]” хурмат шакли мансаби ва ёши жиҳатидан кичик одамнинг, мансаби ва ёши жиҳатидан катта одамга ҳаракат амалга оширилаётганда қўлланилади.

- “주시다” [jusida]— хурмат шаклидаги феъл, мансаби ва ёши жиҳатидан катта одамнинг, мансаби ва ёши жиҳатидан ёш одамга ҳаракат амалга оширилаётганда қўлланилади.

“주다” кўмакчи феълли буйруқ-истак майлида қўлланилганда қуйидаги маъноларни ифодалаши мумкинлиги аниқланди:

- етакчи феъл ҳаракати тўла бажарилиши маъноси, яъни ҳаракатнинг охиригача, тўлиқ бажарилиши маъносини;

- ҳаракат бир зумда бажарилиши, жуда қисқа вақт ичида юз бериши маъносини;
- иш-ҳаракат бошқа одам учун бажарилиши назарда тутилиши маъноси;

- ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини, тасодиф, қутилмаганда рўй бериши маъносини, шунингдек, ҳаракатнинг вақти ғаниматда бажарилиши маъноси.

Адабиётлар

1. Чжан Хо Чжон, Е.С.Малик. Категории вежливости в корейском языке. Анализ часто допускаемых ошибок//Вестник НГУ. Серия: История, филология. 2007.
2. Хожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар.- Т.: “Фан”, 1966.
3. 한국어 선생님과 함께하는 TOPIK 한국어 문법 1. -서울: 주식회사고시기획, 2016.
4. 백봉자. 외국어로서의 한국어 문법 사전. -서울:연세대학교 출판부, 2001.
5. 서정수.국어 문법.-서울: 한양대학교 출판원, 1966.
6. 손세모돌.국어 보조용언 연구.-서울:한국문화사,1996.
7. 박선옥. 국어 보조동사의 통사와 의미 연구. -서울: 역락 도서출판, 2005.
8. 김문옥, 김춘식.새 한러 사전 (Новый корейско-русский словарь). -서울:도서출판 베림기획, 2000.
9. 최현섭, 김국태, 서현석, 이수진, 이정숙, 윤정하, 제혜숙. 내 말에 상처 받았니? - 서울: 커뮤니케이션북스, 2005.
10. 신개정. 외국인을 위한 한국어 문법. -서울: 연세대학교 출판부, 2003.
11. 현길연.제주도 이야기 1.서울: 장비아동 문고, 1984.
12. ko.dict.never.com
13. m.blog.naver.com>moung5532

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада корейс тилидаги “주다” [chuda] феъли ва унинг ҳурмат шакллари ифодадашдаги ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга “주다” феълнинг кўмакчилик маънолари мисоллар орқали таҳлил қилиниб, янги маънолари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается глагол «주다» [chuda] и особенности его использования в формах уважения. Автор статьи также анализирует примеры глагола “주다” [chuda] в его вспомогательном значении.

SUMMARY

The article discusses the verb “주다” [chuda] and its features when using in the forms of respect. The author of the article also, analyzes examples of the verb “주다” [chuda] in its auxiliary meaning.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ МАЗМУНИНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Юсупов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Г.Юсупова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сузлар: сиёсий, маданий, таълим бериш, фонетик машқлар, мутлақо мустақил, она тилида равон, машқ, топшириқ, савол, нутқий компетенция, урғу.

Ключевые слова: политический, культурный, обучение, фонетически упражнения, абсолютно независимый, свободно владеть родным языком, упражнение, задание, вопрос, композиция речи, ударение.

Key words: political, cultural, teaching, phonetic exercises, absolutely independent, to master the native language, exercise, task, question, speech composition, emphasis.

Кейинги йилларда ўзбек тилининг ижтимоий аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Айниқса, давлат тилининг халқаро микёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Илгари у кўпроқ “она тили” сифатида ўрганилган бўлса, энди “давлат тили” ва “иқкинчи тил” сифатида ҳам ўрганилмоқда. Бу ҳолатлар эса Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатлари доирасининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда ўзбек тили жаҳоннинг бир қатор, жумладан, Россия, Украина, АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, умумий ўрта таълим мактабларининг “Ўзбек тили” дарсликларида оддий фонетиканинг ўрганилиши айрим ҳолатларни таъриф ва тавсифлаш билан чегараланиб қолмоқда. Ҳолбуки, ўзбек тилининг фонетик қурилиши жуда мураккаб бўлиб, уни ўзлаштириш нафақат хорижликлардан, балки ўзбеклардан ҳам катта чидам ва сабот билан ишлашни талаб қилади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳ (синф)ларда ўқувчиларга нафақат нутқ органлари, шунингдек товушлар талаффузи ҳолати ақс этган махсус чизмалар асосида таълим бериш, фонетик машқларга, имкони борича, бошланғич синфларда кўпроқ ўрин ажратиш, юқори синфларда уларга ўрни

билан қайтиб туриш адабий тил меъёрларини эгаллашнинг муҳим омили эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугунда тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин [1:15]. Ўрта мактаб “Ўзбек тили” дарсликларида ҳам, олий таълим “Ўзбек тили” дарсликларида ҳам негадир ўқув топшириқлари алоҳида тадқиқ этилмайди. Бу ҳолат ўзбек тили адабий талаффуз меъёрларининг бузилишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Таълим мазмуни масаласи инсоният тарихида энг қадимий ва айни вақтда энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки инсонлар таракқиётнинг барча давларида ҳам «Нимани ўқитиш керак?» деган муҳим саволга ҳамиша жавоб излаб келган ва бу жараён давом этмоқда. Таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. И. Я. Лернер ва М. Н. Скаткин каби айрим олимлар таълим мазмуни деганда ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида тушунса, бошқа бир гуруҳ олимлар бу тушунча билан уни ўрганиш усуллари ҳам тушунишади.

Таълим мазмуни ўқув режалари, дастури ва дарсликлар ҳамда ўқув-тадрисий (методик)